2013 йил 27 август, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 169 — 170 (12.480 — 12.481)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 август куни Оқсаройда «Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокованi қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмоннинг ЮНЕСКО раҳбари сифатида юртимизга илк ташрифи мамлакатимизни янада яқинроқ билиш, халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси билан танишиш имконини беришига ишонч билдирди.

Томонлар Ўзбекистоннинг бой маънавий меросини тиклаш ва чуқур ўрганиш борасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда, маданият, таълим, фан ва бошқа соҳаларда турли лойиҳаларни биргаликда амалга оширмоқда.

Ўтган 20 йил мобайнида ЮНЕСКО шафелигида Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Камолиддин Беҳзод каби буюк аждодларимиз, Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент, Марғилон сингари дунёга машҳур шаҳарларимиз, «Алпомиш», «Авесто» каби бебаҳо адабий ёдгорликлар, шунингдек, Хоразм Маъмун академиясининг юбилейлари халқаро миқёсда кенг нишонланди.

Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий-маданий объектлари ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. ЮНЕСКО қарорига мувофиқ, 2001 йилда Бухоро «Тинчлик шаҳри» деб эълон қилинди. Бойсун маданий мероси, Шашмақом, Катта ашула ва Наврўз инсониятнинг номоддий маданий мероси сифатида ЮНЕСКОнинг Репрезентатив рўйхатига киритилган.

Ирина Бокова самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президентига миннатдорлик билдириб, Ислом Каримовни мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги билан табриклади. Дунёнинг энг қадимий шаҳарларидан бири – Самарқандда ЮНЕСКО шафелигида ўтказилаётган, мамлакатлар ва халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини, маънавий ҳамфикрлиликни мустаҳкамлашга қаратилган олижаноб ғоя ва мақсадлари боис тобора оммавийлашиб бораётган IX халқаро санъат ва маданият анжуманининг муваффақиятли ўтишига тилак билдирди.

Меҳмон Ўзбекистоннинг бутун дунёда тан олинаётган ютуқлари барча соҳаларда узоқни кўзлаб амалга оширилган ислоҳотлар, Ўзбекистон раҳбарининг маданият ва таълимни ривожлантириш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратаётган доимий эътибори самараси эканини алоҳида таъкидлади.

**(ЎзА)**

## ИРИНА БОКОВА: ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

***Санъат миллатию тилидан қатъи назар, элу элатларни бирлаштиради, уларни эзгу ришталар билан боғлайди. Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами арафасида Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган «Шарқ тароналари» IX халқаро мусиқа фестивалида бу жиҳатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.***

Ҳар галгидек, бу йил ҳам ушбу халқаро мусиқа анжуманида иштирок этиш мақсадида юртимизга дунёнинг турли мамлакатларидан ижодий жамоалар, санъат ихлосмандлари, халқаро ташкилотлар вакиллари ташриф буюрди.

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбири фестивалнинг фахрий меҳмони – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилоти – ЮНЕСКО Бош директори Ирина БОКОВА билан суҳбатлашди.**

**– Ўзбекистоннинг санъат, маданият ва таълим соҳаларида қўлга киритаётган ютуқлари хусусида нима дея оласиз?**

– Успенский номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи менда ғоят катта таассурот қолдирди. Ушбу лицейда таҳсил олаётган иқтидорли ёшларни кўриб, уларнинг ижро намуналаридан баҳраманд бўлиб, жуда таъсирландим. Бу Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг санъат соҳасидаги таълимни ривожлантиришга улкан эътибор қаратаётганидан далолатдир.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

### ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





***Ёшлик шижоати, изланишлар ва интилишлар маскани, орзу ва умидлар гўшаси бўлмиш «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳаёт ҳамиша шиддатли ва жўшқин давом этади. Чунки бу ерда ёрқин ниятларни қалбларига жо этиб олган ёшлар келажакка ишонч кўзи билан боқиб дадил қадам билан юксакларни забт этишга ҳаракат қилмоқдалар.***

### «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ: ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ



— Мўъжазгина шаҳарчамизда фикри хаёли ўқиш, изланиш ва янги ихтироларни яратиш, дунё мамлакатлари нигоҳида юртимиз довруғини янада сарбаланд қилишга интилаётган ёшлар таҳсил оладилар, — дейди «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳокими биринчи ўринбосари Самуғжон Ҳикматов шаҳарчага сафаримизга бошчилик қилар экан. – 41 мингга яқин талаба-ўқувчилар таҳсил оладиган масканимизда ёшларнинг билим олишлари, яшаш ва ўз устиларида ишлашлари учун барча шароитлар яратилган. Президентимиз раҳнамолигида шаҳарчамиз айнан мустақиллик эпкинлари остида янада гўзаллашиб, чароғон ва нурли бир илм масканига айландики, кўрган кўзлар қувонади. Қайси томонга қараманг, ёшлик гўзаллигини кўрасиз, келажакка интилаётган, қалби яратиш ишқи билан ёнаётган, тиниб-тинчимас беғубор нигоҳларга дуч келасиз. Уларнинг шодон чеҳрасида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат, халқимизга бўлган меҳр учқунларини, қалбларидан тошиб келаётган нидода эса, мен шу юртга содиқман, деган сўзларни илғаб олиш қийинмас. Талаба-ўқувчиларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишлари учун шаҳарчада қатор қулайликлар яратилган. Ҳафтанинг ҳар чоршанбаси «Аёллар куни», пайшанба «Тозалик куни», жума «Талабалар оқшоми», шанбанинг «Спорт куни» деб аталишининг ўзи, бу гўшада қизғин ҳаёт давом этаётганини тасдиқлайди. Охирги йилларда бу ерда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам жадал суръатлар билан амалга оширилди. Ишонамизки, навқирон авлод Ватанимиз равнақи ва ривожланиши йўлида яратиб берилаётган имкониятлардан унумли фойдаланади ва мамлакатимиз нуфузини янада оширишга ҳаракат қилади. Зеро, келажак бугундан бошланади, бизнинг бугунимиз эса, ана шу истиқболи порлоқ, қалби эзгуликка тўлган ёшлардир.

*(«Ёшлик» талабалар шаҳарчасига бағишланган материаллар билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз)*

## БЕБАҲО НЕЪМАТ ҚАДРИ

***Пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши томонидан Ватанимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда партиянинг фаол иштироки ҳамда Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Унда партия фаоллари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, минтақавий партия кенгашлари раҳбарлари, олимлар, ёзувчилар, тадқиқотчилар ва талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгаши раиси Ҳ.Кетмонов ва бошқалар истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар, мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик барча соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқларда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Хусусан, 2012 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 8,2, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 7,7, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 7 фоизга ўсди. Аҳолининг турмуш фаровонлиги ошиб, ўртача умр кўриш даражаси сезиларли равишда ортмоқда.

Айни вақтда мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик ишлари қизғин давом этмоқда. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» эзгу ғоясини ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишларида партия вакиллари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Давра суҳбатида бу борадаги ютуқлар таҳлил этилди, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди. «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласида билдирилган фикрлар юзасидан келиб чиқадиган вазифалар ва уларнинг бажарилишида партиянинг ўрни ва ролини ошириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Самарқанд шаҳрида вилоят адлия бошқармаси томонидан «Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари» мавзусида семинар ўтказилди. Тадбирда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, аҳолининг замонавий, юқори технологик ва бозор хизмат турларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига қўшимча имтиёзлар берилгани таъкидланиб, иштирокчиларга бу имкониятлардан фойдаланиш юзасидан тавсиялар берилди.**

**● Қашқадарё вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ташаббуси билан ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

**● Энг улуғ, энг азиз айём – мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида Андижон вилоятининг барча туман ва шаҳарлари марказида «Она замин саховати» савдо-ярмаркалари ташкил этилди. Андижон шаҳар маркази ва 10 маҳалла гузарида иш бошлаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдо-ярмаркасидан «Андижонгўштсутсавдо», «Андижонбалиқ» масъулияти чекланган жамиятлари, Республика «Асал» уюшмаси вилоят бўлими тасарруфидаги агрофирмалар, паррандачилик корхоналари маҳсулотлари, шунингдек, фермер хўжаликлари ҳамда деҳқонлар томонидан етиштирилган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари ўрин олган.**

**● Фарғона туманида «Энг намунали хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси юзасидан ташкил этилган танловда шаҳар ва туман босқичида ғолиб чиққан фаол аёллар турли шартлар бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.**

### ЖАҲОНДА

**● Мобиль алоқа хизматининг замонавий тури ҳисобланмиш планшетлар кейинги пайтларда дунё бозоридан шахсий компьютерларни сиқиб чиқармоқда. Хусусан, шахсий компьютер ишлаб чиқарувчилар жорий йилда дунё бозорига 315,2 миллион дона шахсий компьютер етказиб беришни режалаштирган бўлсаларда, апрелдан савдо даражасининг тушиб кетиши бу режани 10,1 миллионтага камайтиришга мажбур этди. Зеро, эндиликда компьютер юмушларини мобиль алоқа тармоқлари орқали ҳам бажариш имкони яратилган.**

**● Хитойнинг Хэнань музофотида текширув чоғида 24 ёшли йигитнинг юраги ошқозонида жойлашганлиги аниқланди ва умри давомида шундай ҳолатда ҳаёт кечиргани барчани ҳайратда қолдирди. Охир-оқибат ушбу йигитда ошқозондан юракни кўчириш бўйича ғайритабиий операция амалга оширилди.**

**● Мексикада «Фернанд» тўфонининг хуружи натижасида 13 киши ҳалок бўлди. Табиий офат штатнинг турли ҳудудларида сув тошқинлари ва ер кўчишларини келтириб чиқарди. Жумладан, Рока-де-Оро қишлоғида ер кўчиши натижасида бирваракайига еттита уй яшовчилари билан бирга тупроқ остида қолиб кетган.**







# «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИ: ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ








Дарҳақиқат, «Ёшлик» талабалар шаҳарчасини имконият ва изланишлар остонаси деб аташ мумкин. Энг йирик илмий ҳамда тиббий марказ ҳисобланган бу шаҳарчада энг нуфузли ўқув муассасалари жойлашган.

Шаҳарчада 5309 нафар профессор-ўқитувчилар, 24 та академик, 323 нафар профессор, 452 та фан доктори, 776 та доцент ва 1256 фан номзодлари, 2478 нафар ўқитувчилар ва 8 мингга яқин ишчи-ходимлар фаолият олиб бормоқдалар.

Республикамизнинг турли вилоятларидан келган талабалар таълим муассасаларига қарашли бўлган, замон талабларига жавоб берадиган замонавий анжомлар билан жиҳозланган талабалар турар жойларида истиқомат қилади.

Шунингдек, ушбу гўшада Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги 1 ва 2 сонли Республика шифохоналари, Республика Урология маркази, Республика кўз касалликлари шифохонаси ва кўплаб тиббиёт муассасалари жойлашган.

Спорт мажмуалари, теннис кортлари, волейбол, баскетбол майдончаларининг қайта таъмирланиши билан бирга 2 та гимнастика ва белбоғли кураш заллари сузиш ҳавзаларининг ташкил қилиниши шаҳарчада спорт турлари ривожига катта эътибор қаратилаётганидан далолатдир.

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги барча талабалар турар жойларида юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳафтанинг ҳар бир кунида турли тадбирлар ўтказилиши ҳам ёшларнинг бўш вақтларининг унумли сарфланишига хизмат қилади. Шунингдек, ҳар ўқув йили якуни сарҳисоби бўйича жамоат ишларида фаол иштирок этган ташаббускорлар учун «Энг фаол талабалар кенгаши раиси», «Энг ташаббускор талаба», «Энг яхши талабалар турар жойи тарғиботчиси», «Энг фаол «Камолот» етакчиси», «Энг ижодкор талаба», «Энг яхши иш олиб борган декан ўринбосари», «Энг обод ҳудуд», «Энг аҳил талабалар турар жойи» каби кўплаб номинациялар бўйича анъанавий равишда ўтказиб келинаётган танловлар шаҳарчанинг янада гуллаб-яшнаши ва ёшларнинг аҳиллиги, бирдамлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлайдиган асосий воситалардан биридир.

Талабалар шаҳарчаси кўчаларини кезар эканмиз, ўз юмушлари билан банд бўлган ёшларнинг нурли чеҳраларига дуч келаверамиз. Уларнинг ҳар бирининг қалбида келажакка бўлган ишонч, юртимизга бўлган меҳру муҳаббат туйғуларини илғаб олиш унчалик қийин эмас.

**Тиббиёт**

## ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

***«Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар билан танишар эканмиз, талабалар поликлиникаси бизда катта таассурот қолдирди. Намунали тиббиёт муассасаси ҳисобланган мазкур маскан бугунги кунда 30 мингдан ортиқ талабаларга хизмат кўрсатади. Айни пайтда бу ерда 91 нафар малакали тиббиёт ходимлари фаолият олиб бормоқда.***

— Поликлиникамиз бошқа тиббиёт масканларидан фарқли равишда фақат талаба-ўқувчиларга хизмат кўрсатади, — дейди талабалар поликлиникаси бош шифокори Гулчеҳра Жумаева. – Ёшларимиз учун поликлиникада барча шарт-шароитлар яратилган. Улар ҳар ойда тиббий кўрикдан ўтказилади. Ўқув муассасалари ва талабалар турар жойларида улар билан касалликларнинг олдини олиш ва ҳимоялаш чоралари хусусида тадбирлар ва давра суҳбатлари уюштирамиз. Асосий мақсадимиз ёшларнинг саломатликларини асраш, тиклаш ва турли касалликлардан муҳофаза қилишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, ушбу поликлиника томонидан нафақат даволаш ишлари, балки талабалар билан ҳамкорликда улар саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида спорт мусобақалари ҳам ўтказиб турилади.

Поликлиникада УЗД, ЭКГ, рентген, лаборатория, физиотерапия хоналари энг замонавий тиббий ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланган, Терапевт, жарроҳ, гинеколог, лор, кўз касалликлари шифокори, эндокринолог каби тиббиётнинг барча соҳаси вакилларининг қабул кунлари ва даволаш вақтлари аниқ белгилаб қўйилган.

Қулай шароитлар ва тез тиббий, малакали ёрдам ёшларимизнинг соғлиғини асраб-авайлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

***Шаҳарчанинг майдони 658 гектардан иборат. 9 та маҳалла ва 126 та кўп қаватли уйлар доирасида ташкил қилинган.***

## ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

Республикамизнинг турли вилоятларидан келган ёшлар 15та таълим муассасасига қарашли бўлган 38 та талабалар турар жойларида истиқомат қиладилар.

6 та мактаб, 9 та мактабгача таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларда икки мингга яқин болажонлар таълим-тарбия оладилар.

Шаҳарча ҳудудида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Тиббиёт академияси, Турин Политехника университети, Тошкент маданият ва сервис, Олмазор политехника ҳамда тиббиёт коллежлари, Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейи ва бир қанча малака ошириш институтлари жойлашган.

Ушбу ўқув масканларида 41 мингга яқин талаба-ўқувчилар таҳсил оладилар.

## ЧЕМПИОНЛАР МАСКАНИ

***Талабалар шаҳарчасида жойлашган Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика маркази ҳам муҳташам иншоотлардан ҳисобланади.***

Марказ 2006 йилда фойдаланишга топширилган бўлиб, бугунги кунда талаба-ўқувчиларнинг ва жажжи болажонларнинг энг севимли масканига айланган.

— Истиқлол барча жабҳаларда бўлгани каби сув спорти соҳаси ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратиш имконини берди, — дейди Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика маркази директори Чори Саидов. – Марказимиз нафақат сув спорти турлари бўйича ёшларни чиниқтирадиган муассаса, балки турли мусобақалар ўтказиладиган ва спортчиларни етиштириб берадиган, ёшлар саломатлигини муҳофаза қиладиган, уларга тетиклик ва соғлом турмуш тарзини туҳфа қиладиган маскандир.

Ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика марказида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовордир. Бугунги кунда сув ҳавзаси бир соатда 40 нафар сузувчига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлиб, олимпия стандартларига мос қилиб қурилган. Бассейннинг узунлиги 51, эни 21 метрни, чуқурлиги эса ўртача икки метрни ташкил қилади, Умумий сув ҳажми 2150 $м^3$ бўлиб, хориждан келтирилган 1,5 тонналик олтита фильтрлар ҳисобига сув 24 соат давомида тозалаб турилади. Талабалар шаҳарчасидаги ўнга яқин, жумладан «Шифокор», «Зиё», Нақшбандий, Хислат, «Университет» каби маҳаллаларнинг кам таъминланган оилалари фарзандларига сув ҳавзасида имтиёзли равишда шуғулланиш имкониятлари берилган.

Марказда учта баскетбол, иккита мини футбол майдончаси ва теннис корти спорт ихлосмандлари ва сув спорти билан шуғулланадиганларга хизмат кўрсатади.

Ушбу масканда фаолият олиб бораётган тўрт нафар сув спорти мураббийлари ва теннис, мини футбол бўйича мутахассис-мураббийлар ўз ишларига сидқидилдан ёндашиб хизмат қилмоқдалар.

***Саҳифа материалларини Гулчеҳра ДУРДИЕВА тайёрлади***
***Ислом Исмоилов олган суратлар***

# ИРИНА БОКОВА: ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

ЮНЕСКО учун бу ғоят муҳим аҳамиятга эга. Биз ҳар беш йилда санъат соҳасидаги таълим масалаларига бағишланган катта форумлар уюштирамиз. Икки йилдан буён май ойида санъат соҳасидаги таълим ҳафталигини ўтказамиз. Фикримча, Ўзбекистонда бу борада фахрланса арзигулик жиҳатлар кўп. Мен бу ажойиб мактабни кўриш имконига эга бўлганимдан жуда хурсандман. Бу ерда нафақат ҳақиқий иқтидор эгаларини, балки ўз ишига меҳр қўйган, касбига катта эътибор ва масъулият билан ёндашадиган ўқитувчиларни ҳам кўрдим.

Таълим-тарбия ва санъат ривожига бундай ёндашув албатта ўзининг юксак самараларини беради. Шу боис болаларга «Болажонлар, сиз эртага жуда машҳур санъаткор бўлиб етишасиз. Ўшанда мен сизнинг расмингизни кўрсатиб, бир пайтлар сиз билан шахсан танишиш бахтига муяссар бўлганимни айтиб, мақтанаман», дедим.

**– «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали хусусидаги фикрингизни билмоқчи эдик.**

– Дунёга довруқ таратган, тўққизинчи бор ўтказилаётган мазкур халқаро фестивалда иштирок этиш учун таклиф этилганим менга катта мамнуният бағишлайди. ЮНЕСКО «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг ўтказилишини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келган. Биз учун анъаналарни, яъни номоддий меросни сақлаб қолиш ва асраб-авайлаш жуда муҳимдир.

**– Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳақидаги таассуротларингиз қандай?**

– Ушбу кутубхона жойлашган бино ҳамда йирик форумлар ўтказишга мўлжалланган, мукаммал меъморчилик намуналарига эга муҳташам Симпозиумлар саройи, ундаги заллар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни истардим. Эътиборимни тортган жиҳат шуки, кутубхонада X-XI асрларга оид жуда қадимий нашрлар, қўлёзмалар ва ҳужжатлар, хусусан, ЮНЕСКОнинг «Дунё хотираси» дастурига киритилган Усмон Мусҳафининг нусхаси сақланар экан. Мазкур бебаҳо асарларни асраб-авайлаш борасидаги ишларга таҳсинлар айтса арзийди. Бу китоблар бутун инсоният учун жуда қадрлидир. Энг қувонарлиси шундаки, кутубхонада ахборот манбаларидан эркин фойдаланиш имкони мавжуд. Агар биз билимли жамият қурмоқчи бўлсак, барча учун ахборот очиқлигини яратиб беришимиз даркор. Айниқса, дам олиш куни бўлишига қарамай, залларда жуда кўплаб ёш китобхонларга кўзим тушди. Уларнинг ўқиб-изланаётганини кўриб, жуда таъсирландим. Шунинг ўзи мазкур кутубхонада ахборот олиш учун барча шароит мавжудлигидан далолат беради.

**– Бу йил Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилганига йигирма йил тўлади. Ўзаро алоқаларимизнинг ривожи ҳақида нима дея оласиз?**

– Дарҳақиқат, жорий йилда биз ҳамкорлигимизнинг йигирма йиллигини кенг нишонлаш ниятидамиз. Ўзбекистон раҳбарияти ЮНЕСКО фаолиятини доим қўллаб-қувватлаб келган, Тошкентда ваколатхонамиз бор. Таълим ва маданиятни, маданий меросни асраб-авайлаш борасида яқин ҳамкорлик қилиб келяпмиз. Ўзбекистонда ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган дурдона тарихий-меъморий обидалар кўп.

Ўзбекистон – буюк келажак сари дадил интилаётган мамлакат. Юртингизда сифатли таълим, фан ва маданият, ахборот технологиялари изчил ривожланмоқда. Буларнинг барчаси ташкилотимиз билан Ўзбекистон ўртасида истиқболли ҳамкорлик учун катта салоҳият мавжудлигидан далолатдир.

**Ирода УМАРОВА**
**суҳбатлашди**

# НУРОНИЙЛАР ДОИМ ЭЪТИБОРДА

***Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан «Саховат ва Мурувват уйлари – касаба уюшмалари эътиборида!» мавзусидаги акция ўтказилди.***

Ушбу акция доирасидаги тадбирлардан бири Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда алоҳида эҳтиёжли, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, ёши улуғ инсонларни манзилли тарзда ижтимоий ҳимоялаш, саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 майда қабул қилинган «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ёши улуғ ҳамюртларимиз турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини янада ошириш, уларни ижтимоий таъминлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан 2011-2015 йилларда 13 минг нафардан ортиқ ёлғиз кекса, пенсионер, ногиронни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтиришга доир кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ўтган вақт мобайнида кўриш, эшитишида нуқсони бор кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун бир қатор хайрия тадбирлари ўтказилди. Турли тармоқларда узоқ йиллар меҳнат қилган кексаларни санаторийларда соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Отахон ва онахонлар учун тарихий шаҳарлар, муқаддас қадамжоларга саёҳатлар уюштирилаётир. Уларга мунтазам моддий ёрдам кўрсатилиб, ҳомийликка олинган пенсионер ва ногиронларнинг коммунал хизматлар учун тўловлари қоплаб берилмоқда.

«Саховат ва Мурувват уйлари – касаба уюшмалари эътиборида!» акцияси шундай эзгу ишларга яна бир мисолдир. Акция доирасида Тошкент шаҳридаги Саховат ва Мурувват уйлари ҳудуди тозаланиб, аришталанди. Шу жумладан, Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати ҳудуди, ариқ ва зовурлар ободонлаштирилиб, озода ҳолатга келтирилди. Дарахтларга шакл берилиб, кузги гул кўчатлари экилди. Нуронийларга байрам совғалари топширилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

KAPITALBANK
МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ



"Капиталбанк" ОАТБ ҳамюртларимизни Ватанимиз Истиқлолининг 22 йиллик қутлуғ байрами билан муборакбод этиб, тинчлик, хотиржамлик ва фаровонлик тилайди!

Шунингдек, байрам муносабати билан жисмоний шахслар учун миллий валютадаги янги "Миллий" муддатли омонатини таклиф этади!

Омонат муддати: 6 ой;
Йиллик фоиз ставкаси: 12-22%;
Бошланғич минимал тўлов миқдори: чегараланмаган;
Омонат қабул қилиш: 2013 йилнинг 1 сентябридан 30 сентябригача давом этади.

Батафсил маълумотларни банкнинг интернетдаги сайтидан ёки хизмат кўрсатувчи филиал ва шохобчаларидан олиш мумкин.

www.kapitalbank.uz

Хизматлар лицензияланган

## МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

Барчангизни эркин ва обод, буюк ва муқаддас Ватанимиз Мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрами билан қизғин муборакбод этиб, самимий меҳр ва ҳурматимизни билдирамиз.

Сизларга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилаймиз.

Қалбимиздан байрам шукуҳи ҳеч қачон аримасин!

"МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Азиз ҳамшаҳарлар!
Даврий матбуот нашрларига обуна бўлишни унутманг.

Хизматлар лицензияланган

ASAKA BANK

## ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
## "АСАКА"БАНК (ОАЖ) ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Сизларни Мустақиллигимизнинг 22 йиллик байрами билан қутлайди ва миллий валютадаги қуйидаги янги муддатли омонат турини таклиф этади:**

"МУСТАҚИЛЛИК 2013"
Сақланиш муддати — 12 ой, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан (12 ойдан) сўнг тўлаб берилади.

Мурожаат учун телефонлар: 120-83-13, 120-83-86, 120-83-35.

"Асака" банк (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган

*Мустақиллик айёмингиз муборак бўлсин!*



*Барчангизни Ватанимиз Мустақиллигининг 22 йиллик байрами билан чин қалбдан самимий муборакбод этамиз.*



**Мустақил юртимиз ривожи йўлидаги эзгу ишларингизда ҳамиша омад Сизга ёр бўлсин.**

Азиз юртдошлар! «Ҳамкорбанк» ОАТБ халқимизнинг фаровонлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида, байрам совғаси сифатида чет эл валютасида «Элит» ва миллий сўмда «Баракат» ҳамда «Оила хазинаси» муддатли жамғарма омонатларини жорий этди.

HAMKORBANK
Биргаликда юксалиш сари

Хизматлар лицензияланган

CHO'LPON NMIU
Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi

*Энг улуғ, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги ҳаммамизга муборак бўлсин! Эзгу ният, эзгу амал барчамизнинг бош мақсадимизга айлансин.*



*Ҳамкорлик учун манзил: Тошкент ш, Навоий кўчаси, 30-уй.*
*Тел: 244-58-55, 244-10-45, 244-30-13 www.chulpon.uz Email:chulpan@sarkor.uz*

Хизматлар лицензияланган

Хива миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи томонидан 2013 йилда Абдушарипов Дилмурод Кувондикович номига берилган К 3092694 сонли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Авиасозлар 1-тор кўчаси, 24-уй, 5-хонадонда яшовчи Ахмедова Дилором Нуралиевна номига берилган уй кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек туманидаги «Бехруз-Сиёвуш» хусусий корхонаси «Бехруз-Сиёвуш» оилавий корхонасига ўзгартирилмоқда. «Бехруз-Сиёвуш» хусусий корхонасига нисбатан даъволар бир ой ичида кўриб чиқилади. Тел: 266-70-25.

## «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР













TRASTBANK
ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ
"TRASTBANK" жамоаси барча юртдошларимизни Мустақиллик байрами билан чин қалбдан қутлайди.
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз осойишта, оилаларимиз доимо аҳил ва файзли бўлишига тилакдошмиз.


Халқ фаровонлиги фаолиятимиз мезони
AGROBANK
ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ
22 ЙИЛЛИГИ
МУБОРАК БЎЛСИН!
www.agrobank.uz


Ekopen®
MChJ shaklidagi «ALFA PLASTIK» korxonasi jamoasi barcha yurtdoshlarimizni Vatanimiz
Mustaqilligining
22 yillik
bayrami bilan chin qalbdan muborakbod etadi!
BAYRAMINGIZ QUTLUG'
BO'LSIN, AZIZ YURTDOSHLAR!

O'ZBEKISTON 22 МУСТАҚИЛЛИК · INDEPENDENCE · НЕЗАВИСИМОСТЬ

## “БУНЁДКОР” СТАДИОНИ

**МУСТАҚИЛЛИК – ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ НЕЪМАТ**


БУГУНГИ ҲОЛАТ


АВВАЛГИ ҲОЛАТ

# ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРИМИЗ КЎПАЙМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида диёримиз бўйлаб кўплаб байрам тадбирлари ўтказилмоқда. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида, маҳаллаларда ва корхоналарда ташкил этилаётган тадбирлар халқимизга байрамона кайфият улашмоқда. Айниқса, Ўзбекистонни тараннум этувчи қўшиқлар кўрик-танловлари ва фестиваллар ҳамюртларимиз дилларидан жой олмоқда.***

Халқ ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, ёшларнинг миллий санъатга бўлган меҳрини янада ошириш, номоддий-маданий меросимиз анъаналарини асраш, тарғиб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш, шунингдек, иқтидорли ёш анъанавий ижрочилик ва эстрада хонандалари, бахшилар, лапар ижрочилари, ҳунарманд ҳамда мусаввирлар санъатини кенг тарғиб этиш мақсадида шаҳримиздаги «Гулшан» маданият уйида ўтказилган «Нафосат бўстоним маним» анъанавий республика кўрик-фестивалининг пойтахт босқичи ҳам жуда қизиқарли ўтиб, унда Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси тасарруфидаги 34 та маданият уйларидан турли ёшдаги хонандалар иштирок этишганини таъкидлаб ўтиш ўринли. Фестивалнинг тажрибали ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулшан» маданият уйи хонандаси Аббосхон Раҳматуллаев, вокал ижрочилиги бўйича 1-ўринни, «Юлдуз» маданият уйи хонандаси Қодир Усмонов эстрада йўналиши бўйича 1-ўринни эгаллаган бўлса, «Гулшан» маданият уйи хонандаси Азамат Аҳмедов анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича 2-ўрин соҳиби бўлди. Шу билан бирга ғолиблар Қорақалпоғистон Республикасида ўтказиладиган «Элликқалъа - 2013» кўрик-фестивалига ҳам йўлланма олишди. Аббосхон Раҳматуллаев ҳамда Қодир Усмоновлар «Элликқалъа-2013» кўрик-фестивалида ҳам ўз маҳоратларини намойиш этиб, фахрли 2-ўрин соҳиби бўлиб, эсдалик совғалари билан тақдирланишди. Куни кеча «Гулшан» маданият уйида тумандаги маҳаллалар аҳолиси иштирокида А. Раҳматуллаев ҳамда Қ. Усмоновлар билан учрашув ташкил этилди. Учрашув давомида иқтидорли ёшлар Элликқалъадаги кўрик-фестивалга қандай тайёргарлик кўришгани, тадбирнинг юқори савияда ўтгани ҳамда янги дўстлар орттиришгани ҳақида мароқ билан сўзлаб беришди. Улар ёшларни қўллаб-қувватлаётган, келажак йўлининг ёрқинлигини таъминлаётган ҳамда куч-қувват бағишлаётган Юртбошимиз ҳамда Ватанимизга шукроналар билдириб, мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши, тинчлиги, осойишталиги йўлида бор куч-маҳоратларини сарфлашга тайёр эканликларини таъкидлаб ўтишди.

Биз ана шундай ёшларимиз билан доимо фахрланамиз.

**Робия ИСМАТУЛЛАЕВА,**
**Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти театршунослик йўналиши 2-босқич талабаси**

# «ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» — АНЪАНАЛАР ДАВОМИЙЛИГИ

***Мамлакатимизда «Шарқ тароналари» IX Халқаро мусиқа фестивалига катта тайёргарлик кўрилди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилиб, 1997 йилдан буён ҳар икки йилда ўтказиб келинаётган мазкур нуфузли фестиваль дунё халқларининг миллий мусиқа санъати ва қўшиқчилиги анъаналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, тили, маданияти, урф-одатлари турфа миллат ва элатларни санъат воситасида бирлаштириш, уларни гўзаллик, нафосат ва эзгуликка даъват этишга улкан ҳисса қўшмоқда.***

«Шарқ тароналари» мусиқа фестивали доирасида ўтказилаётган халқаро конференциялар аҳамияти тўғрисида Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси Холмирза Қурбонов «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирига қуйидагиларни гапириб берди.

— Шарқ халқлари мусиқа санъатида азалдан амалий ҳосил қилинган малакалар назарий билимлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиб келган, — деди Холмирза Қурбонов. — Шу боисдан мусиқа амалиётида устувор бўлган ижодкорлик соҳаси доим илмий жиҳатдан идрокланиб, махсус рисолаларда тавсиф этиб борилган. Зеро, ушбу азалий анъаналарни давом эттирган ҳолда ҳукуматимиз томонидан «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали таъсис этилиб, унинг доирасида илмий-назарий конференция ўтказилиши лозимлиги белгилаб қўйилган эди. Натижада илмий анжуман ҳам фестиваль каби 1997 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба ўтказиб келинмоқда.



Таъкидлаш жоизки, мазкур конференциялар ўз ишини фестивалнинг асосий ғоялари билан узвий боғланган ҳолда олиб боради. Чунончи, илмий конференция мавзуи фестиваль низомида кўрсатилган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда танланади. Бунда, энг аввало, Шарқ халқлари, шу жумладан, Ўзбекистон мусиқа санъатининг турли жабҳалари ва унинг ривожланиш тамойиллари ҳамда бугунги кунда ўз ечимини кутаётган ўта долзарб муаммолар мубоҳаса қилинади. Хусусан, шу пайтга қадар ўтказилган илмий анжуманларда «Жаҳон халқлари мусиқа маданиятининг муштараклиги муаммолари»дан тортиб (1997 й.), «Шарқ халқлари мусиқаси маданиятининг мероси» (2001й.), аниқроғи, «Шарқ халқлари мумтоз мусиқаси» (1999, 2005й.), «Шарқ халқлари фольклор анъаналари» (2003й.), «Шарқ халқлари мусиқий маданиятининг изланишидаги бош манбалари ва уларнинг аҳамияти» (2011й.), ва ниҳоят, «Ўзбекистон мусиқа маданиятининг жаҳон цивилизациясидаги ўрни» (2009й.) каби мавзуларда турли қитъалардан келган мутахассис олимлар ўз маърузалари билан иштирок этдилар. Янада муҳими эса шундаки, илмий-назарий конференциялар пировардида халқ анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш, халқаро ижодий ҳамкорликни янада кенгайтириш каби фестивалдан кўзланган бош ғоялар ўзининг илмий асосини топиб бормоқда.

Анжуманлар доирасида Шарқ халқлари анъанавий касбий ва халқ мусиқа ижодиётининг яшаш шакллари, истиқболли ривожланиш йўллари, оғзаки ва ёзма турдаги мусиқа шакллари, бошқача айтганда, Шарқ ва Ғарб маданиятларининг ўзаро таъсирланиши жараёнлари билан боғлиқ фундаментал муаммоларнинг амалий ечимига имкон яратилмоқда. Айниқса, конференция иштирокчилари Шарқ халқлари анъанавий мусиқа меросини ривожланган технологиялар асосида қайта тўплаш, уларни замонавий фан ютуқларига таянган ҳолда ҳужжатлаштириш ва муҳофазалаш, қолаверса, бу бебаҳо бойликларни мувофиқ ҳолда тарғиб қилиш зарурлигини илгари сураётганликлари эътиборга сазовордир. Зеро, халқлар ўртасидаги маданий қийматлар алмашинувларининг жадаллашуви, ҳамда олим ва мусиқачиларнинг тобора яқин ижодий ҳамкорликлари бу каби илғор интилишларга ҳам муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Конференцияларнинг самарали натижаси ўлароқ ҳозиргача анжуман материаллари асосида уч номда чоп этилган китоблар аҳамиятини ҳам алоҳида қайд этиш керак. Жумладан, бу китоблар илмий жабҳада қўлланилиши билан бирга махсус таълим жараёнларида ҳам жуда асқотмоқда.

Шу билан бирга анжуманда олимлар томонидан эришилган маълум натижа ва хулосалар кенг афкор омма орасида эълон қилиниши ҳам одатий ҳол бўлиб бормоқда. Хусусан, 2005 йилги «Шашмақом анъаналари ва замонавийлик» мавзусида бўлиб ўтган конференция натижалари асосида махсус тавсиялар ишлаб чиқилган эди. Унга кўра, Шашмақомнинг асл анъанавий ижро шаклларини ривожлантириш, бу ноёб санъатнинг айнан концерт вақтидаги жонли ёзувларини қўллаш, шунингдек, ҳозирги давр мақомдонларини жалб қилган ҳолда маҳорат дарсларини мунтазам ўтказиб бориш, бугунги ёшларни анъанавий касбий мусиқага бўлган иштиёқини уйғотишга қаратилган янги алфоздаги муқобил дастурларни ишлаб чиқиш, анъанавий мумтоз мусиқага оид янги тадқиқотларни нашр қилинишига имкон яратиш ҳамда бу турдаги мусиқани тадқиқ қилиш борасида ёш олимлар учун махсус мукофот ва грантлар таъсис қилиш каби тавсиялар шулар жумласидандир.

Шунингдек, 2005-2007 йилларда нуфузли ЮНЕСКО халқаро ташкилоти шафелиги остида Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Марғилон, Қўқон, Хива, Урганч шаҳарлари ва Элликқалъа туманида маҳорат дарсларининг ўзига хос кўриниши бўлган «Шашмақом сабоқлари» илмий-амалий машғулотлари ўтказилди. Ўзбекистон халқ артисти, таниқли созанда Ўлмас Расулов таъкидлаганидек, «Фестиваль дастурига киритилган «мақом сабоқлари» дарслари устоз-шогирд анъаналарини тарғиб қилиш йўлида қўйилган хайрли қадамлардан бири» бўлди ва буни маълум маънода конференция иштирокчилари томонидан берилган тавсия-истакларнинг инобатга олинишининг амалдаги исботи бўлди, дейиш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, мазкур анжуманларда узоқ ва яқин давлатлардан келган таниқли олимларнинг иштироки туфайли турли жойларда шаклланган илмий мактаблар, кенгроқ олганда эса, турли маданиятлар мулоқоти юзага келмоқдаки, бу ҳол ўз навбатида турли минтақа ва тамаддунларда юзага келган илмий таълимотлар ва уларга хос тадқиқот усулларини қиёсий кесимда кўриш, шунингдек, илғор тажрибаларидан фойдаланиш имконини беради.

Анжуман доирасида шаклланган эътиборли анъаналардан яна бири сифатида янги нашр этилган китоб, дала экспедицияларида тасвирга олинган видео ёзув ва фильм дискларининг тақдимотини қайд этиш мумкин.

«Шарқ тароналари» халқаро фестивали доирасида ўтказиб келинаётган илмий-назарий конференцияларда устоз олимлар билан бир қаторда санъат тизимидаги олий таълим муассасаларида педагогик фаолият олиб бораётган ёш ўқитувчилар, катта илмий ходим-изланувчилар ҳам иштирок этиб келмоқда. Бундан ташқари, Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусиқашунос талабалари ҳам тингловчи сифатида қатнашиб келаётганликлари қувонарлидир. Бу каби анжуманлар эса улар учун унутилмас таассуротларни ҳадя этиши билан бир қаторда ўзига хос мактаб вазифасини ўташи шак-шубҳасиздир. Зеро, доно халқимиз айтган нақлга кўра, «олиму-фузалолар билан суҳбатлашиш, улар суҳбатидан баҳраманд бўлишдан яхшироқ, илмдан улуғроқ нарса йўқ». Бинобарин, биз ушбу анжуманга қадам ранжида қилган ҳар бир ёш авлод вакилларидан келгусида етук олимлар, жаҳонгашта мусиқашунослар етишиб чиқишига умид қилиш баробарида улар «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг илмий қисми бўлган олимлар анжумани анъаналарини янги босқичга юксалтирган ҳолда муносиб давом эттиришларига ишонч билдириш мумкин.

**Ғанишер ТОҲИРОВ,**
**«Туркистон-пресс»**

## Спорт янгиликлари

# ЯРИМ ФИНАЛ БЕЛЛАШУВЛАРИ

***Пойтахтимиздаги «Локомотив» ҳамда Қаршидаги «Насаф» стадионларида футбол бўйича Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг такрорий учрашувлари бўлиб ўтди.***

Жорий йилги мавсумда чемпионлик учун курашаётган «Локомотив» ҳамда «Бунёдкор» жамоалари ўртасида ўтказилган Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг такрорий учрашуви муросасиз ва шиддатли курашлар остида ўтиши тахмин қилинганди. Сабаби биринчи баҳсда 2:2 ҳисоби қайд этилган ва бу қайсидир маънода темирйўлчиларга қулайлик туғдирар эди. Бироқ меҳмонда доимо муваффақиятли ўйнаб керакли натижага эришиш ҳадисини олган Миржалол Қосимов бош мураббийлигидаги «Бунёдкор» жамоаси «Локомотив» стадионида майдон эгаларига қарши ажойиб ўйин намойиш эта олди. 90 дақиқа давом этган муросасиз беллашувда мезбонлар дарвозаси Пишур томонидан икки марта аниқ нишонга олинди. Шу тариқа Ўзбекистон Кубоги соврини учун яна «Бунёдкор» баҳсни давом эттирадиган бўлди.

Қаршида эса профессионал футбол лигасининг етакчи жамоалари «Насаф» ва «Пахтакор» Ўзбекистон Кубоги ярим финалининг такрорий беллашувида ўзаро беллашишди.

Айтиш жоизки, «Пахтакор» марказий стадионида кечган биринчи учрашувда дарвозалар дахлсиз қолганди.

Қаршидаги жавоб учрашуви футбол мухлисларига ҳаяжонли дақиқаларни туҳфа этди. Чунки «Насаф» жамоаси ҳам, «Пахтакор» командаси ҳам ғалаба қозониш мақсадида дарвозалар томон кўп марта хавфли ҳужумлар уюштирди. Бу сафар омад пахтакорчилардан юз ўгирди. Чунки мезбонларнинг моҳир футболчиси Геворгян ҳакам томонидан икки марта белгиланган пенальтини аниқ амалга оширди. Шундай қилиб 2:0 ҳисобида зафар қучган «Насаф» Ўзбекистон Кубоги учун ҳал қилувчи баҳсда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

***Маълумки, 2014 йилнинг январь ойида футбол бўйича 17 ёшли ўсмирлар ўртасида уюштириладиган Осиё чемпионатига Уммон мамлакати мезбонлик қилади.***

## МАШҒУЛОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ушбу нуфузли турнирда юртимиз шарафини Алексей Евстафеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳимоя қилади. Ўсмир футболчиларимиз Осиё чемпионатида совринли ўринларга даъвогар ҳисобланишади. Шу боис ҳам ўсмирлар терма жамоамиз айни кунларда пойтахтимизда ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этишмоқда. Қувонарлиси, кунига икки маҳалдан ташкил этилаётган ўқув-йиғин машғулотларида Евстафеев бошчилигидаги мураббийлар футболчиларнинг жисмоний ва руҳий имкониятларини яна бир карра назардан ўтказишмоқда.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# СПОРТ ФАХРИЙЛАРИГА МУҲИМ ЭЪТИБОР

***Шаҳримиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида ташкилий тадбир бўлиб ўтди. Унинг суяги спортда қотган, ҳаётини спортга бахшида этган мўътабар ёшдаги соҳа фахрийларига бағишланганлиги диққатга сазовордир.***

– Бугунги тадбирдан ойдинлашадики, спорт фахрийларига кўрсатиладиган ғамхўрлик борасида ҳам республикамиз етакчи давлатлар даражасига чиқиб бормоқда, – дейди Жиззах ва Хоразм вилоятлари спорт қўмитасини кўп йиллар давомида бошқарган Комил Худойберганов. Зеро, Ватанимиз мустақиллиги йилларида Ўзбекистон том маънодаги спорт диёрига айланди, эндиликда исталган спорт тури бўйича юртимиз вакиллари жаҳоннинг манаман деган спорт дарғалари билан тенгма-тенг беллашмоқдалар, улкан ғалабаларни қўлга киритмоқдалар. Шундай экан, халқимиз, Ватанимиз фахри бўлган инсонларни кексайганда – фахрий ёшга етганларида эъзозлаш ҳақиқий маънода ўзбекона меҳр-оқибат тимсолига айланади.

Тадбир давомида маҳоратли эркин кураш устаси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий Раҳмонберди Аҳмедов Ўзбекистон спорти фахрийлари кенгаши раиси этиб сайланди. Таъкидлаш жоизки, Р. Аҳмедов ёшлигидан спортга меҳр қўйган, эркин кураш бўйича кўплаб мусобақаларнинг ғолиби бўлган. Меҳнат фаолияти бевосита спорт билан боғлиқ бўлганлиги боис, 1995-2005 йилларда Республика спорт яккакурашлари бўйича олий мактаб директори вазифасида фаолият олиб борган. Бир қатор таниқли спортчилар устози.

– Мамлакатимизда спорт ривожи ва спортчиларга катта эътибор қаратилаётганлиги қувонарли ҳолдир, – дейди Раҳмонберди Аҳмедов. – Узоқ йиллар мобайнида миллий спортимиз довруғини таратишда жонбозлик кўрсатган, эндиликда спорт фахрийси бўлган инсонларни қадрлаш, уларнинг муносиб меҳнатларини эътироф этган ҳолда, алоҳида эътибор қаратиш, жумладан, саломатликларини тиклаш олдимизда турган муҳим вазифалардан саналади. Шунингдек, спорт фахрийларининг ҳолидан мунтазам хабар олишни йўлга қўйиш, ҳозирги кунда спорт соҳасида улкан марраларга эришаётган ёш спортчилар билан спорт фахрийлари учрашувларини ташкил этиш сингари вазифалар ҳам кенгашимизнинг асосий вазифалари сирасига киради.

Тадбир давомида Ўзбекистон спорти фахрийлари кенгаши аъзолари этиб спортимизнинг ҳақиқий жонкуярлари Комил Худойберганов, Шамил Бабаев, Эркин Ғиёсовлар сайланди.

**Зиёда ОРТИҚОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95 факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 841

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9030 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 16.15

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5